

## ҲАМКОРЛИК АСОСИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Самигова Комила Абдурауфовна

603- ДМТТ психологи

+998997950876

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7189889>

**Аннотация:** Таълим жараёнини сифат босқичига кўтариш талаб қилинаётган бугунги кунда уни тўлалигича ўқувчи шахсига йўналтириш, ўқитувчи ва ўқувчи, ўқитувчи ота-она, ўқитувчи- таълим муассасаси, ўқитувчи- ўқитувчи ўртасидаги фаол ҳамкорликни амалга ошириш муҳим педагогик аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** ҳамкорлик педагогикаси, ҳамкорликда ўқитиш, ўқувчи, ўқитувчи, танқидий фикрлаш, интерфаол методлар, дўстона муносабат, мустақил фикр.

**Abstract:** Today, when it is demanded to raise the educational process to the level of quality, it is of great pedagogical importance to direct it fully to the personality of the student, to implement active cooperation between teacher and student, teacher-parent, teacher-educational institution, and teacher-teacher.

**Keywords:** collaborative pedagogy, collaborative learning, student, teacher, critical thinking, interactive methods, friendly attitude, independent thinking.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Латвия Республикаси Таълим ва фан вазирлиги, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар, иккала Томон ўртасида кўп томонлама дўстона муносабатларни ривожлантиришга интилишни изҳор этиб, олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик халқлар ўртасида ўзаро англашувни яхшилашга ёрдам беради деб ҳисоблаб, иккала тамон =амкорлик асосида келишиб олдилар.

Бугунги кунда ўқувчилар мазкур имкониятлардан етарлича фойдаланишмаяпти. Ўқитувчиларнинг зиддиятлар ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтириш учун мазкур зиддиятларни ечиш йуллари, усуллари, бу вазиятларда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини бошқариш методларидан уларни хабардор қилиш лозим. Бу, биринчидан, мазкур муаммога оид илмий-методик кулланмаларнинг етарли эмаслиги, зиддиятларни бартараф этиш усулларининг ишлаб чиқилмаганлиги; иккинчидан, ўқитувчиларнинг зиддиятлар ҳақидаги билимлари ва уни ечиш маҳоратига етарлича эга эмаслиги, зиддиятлар вужудга келган вазиятларда улар ўзларининг нуктаи назарлари доирасида ҳаракат қилишлари билан изоҳланади.

**Асосий қисм.** Ҳамкорликдаги таълим жараёнида ўқитувчи янги мазмундаги амалий тажрибаларни куллайди. Унинг педагогик маҳорати янги билим ва педагогик технологиялар ёрдамида такомиллашади. Аксарият ҳолларда ўқитувчилар ил ғор педагогик тажрибаларни узлаштирар экан, уларни илмий жихатдан таҳлил қилмайди. Ўқитувчи фаолиятида ўқувчилар билан ҳамкорлик қилиш усулларида фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай фаолият, биринчи навбатда, ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги ўзаро дўстона муносабатларни ифодалайди.

Таълим жараёнининг демократия ва инсонийлик тамойиллари асосида ташкил этилиши ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги авторитар услуга асосланган муносабатларга чек қуйиб, ўқув жараёнини ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш учун қулай имконият яратади. Бунда ўқитувчи фаолиятининг асосини ўқув- тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш ташкил этиши лозим. Купгина мутахассислар, жумладан, Р. Г. Сафарова, Ф. Р. Юзликаев, Э. Р. Юзликаева, Б. Б. Маъмуров, Н. А. Алексеев, Е. В. Бондаревскаянинг ишларида ҳамкорликдаги ўқув-билув жараёни таълимнинг алоҳида кўриниши сифатида талкин этилади.

Ҳамкорликдаги таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга қадрият сифатида ёндашади, анъанавий таълим жараёнида эса ўқувчига топшириқларни бажарувчи объект сифатида муносабатда булади. Ҳамкорликдаги таълим жараёнида ўқувчи учун ҳаётини зарурий қисм бўлган ўқув вазиятлари вужудга келтирилади. Мазкур вазиятлар ўқувчининг билиш фаолияти билан бир қаторда унинг шахсий сифатларини ривожлантиришга имкон беради. Ўқувчининг ривожланиши унинг шахс сифатида ўзини намоён қилиш эҳтиёжини кучайтиради. Шунинг учун ўқувчилар атрофдагилар, тенгдошлари, синфдошлари, ўқитувчилар, ота-оналари уларни шахс сифатида эътироф этишлари ва улар билан ўзаро ҳамкорлик қилишларини хоҳлайди. Чунки ўқувчилар, биринчи навбатда, уз эҳтиёжлари қондирилишини истайди. Ўқувчиларнинг ривожланиши уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятга жадал қилишларини таъминлайди.

Ўқитувчининг ҳамкорликдаги педагогик жараёни ташкил этишга оид фаолияти, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг жамоада асосий қадрият сифатида ўзларини намоён қилишларини таъминлашга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш йуллари ва усуллари излашга қаратилиши лозим. Бунинг учун ўқитувчилар ўқувчиларга зиён етказмаслиги, улар руҳиятига салбий таъсир утказмаслиги, уларга ижобий таъсир кўрсатиши, зарур маслаҳатлар бериши, бир ўқувчини бошқаси

билан киёсламаслиги, уларнинг шахсиятига тугри бахо бериши, ўқувчи ривожланишининг истикболларини аниқ тасаввур қила олиши лозим. Ўқувчиларга инсонпарварлик асосида ёндашиш улар орасидаги зиддиятларнинг ўзига ҳос жихатларини тушуниш ва бартараф этиш имконини беради. Ўқувчилар орасидаги зиддиятларнинг ўзига ҳос хусусиятларини аниқлаш ва уларни

бартараф этиш қуйидаги омиллар билан бевосита боғлиқ:

- ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари;

- ҳамкорликдаги таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига ҳос жихатлари;

- ўқувчиларнинг зиддиятларга муносабати, уларнинг ўзига ҳос жихатлари ва ривожланиши ҳақидаги тасаввурлари;

- зиддиятлар вужудга келган ҳолатларда ўқувчиларнинг ҳаракатлари ва бошқалар.

Ўқитувчининг фаолияти, биринчи навбатда, зиддиятларга ижобий ечим топишга қаратилиши керак. Бу унинг педагогик зиддиятларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва уларнинг ечимини топиш ҳақидаги билимларни нечоғли чуқур эгаллаганлигига боғлиқ. Ўқитувчи ўқувчилар назарида катга мавкега эга бўлганидан унинг зиддиятларга бўлган муносабати ва уни бартараф этиш соҳасидаги ҳаракатлари улар учун намуна, йўналтирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Шу боис ўқувчилараро зиддиятларни ечишда ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини ҳамкорликка ундовчи асосий субъект ҳисобланади. Ўқитувчилар ўқувчиларни ҳамкорликка ундовчи вазиятларни вужудга келтиришда уларга субъект сифатида ёндашиб, мустақил фикрлаш, шахсий қувватларини амалда намоён қилиш, тенгдошлари билан янгича муносабатларга киришиш тажрибасини узлаштиришни талаб қилиши лозим. Ўйин вазиятларидан унумли фойдаланиш талаб этилади.

**Хулоса.** Ҳамкорликдаги таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг дўстлашиши, бир-бирини тушуниши, мулоқотга киришишлари учун замин хозирлаши керак. Ўқувчилар ўзаро баланд овозда гапирмасликлари, бир-бирига нисбатан яхши муносабатда бўлиш, зарур вазиятларда ўзларини тута билиш ва хатги-ҳаракатларини назорат қилишни таъминлаш муҳим. Ўқувчиларда ҳаётий тажрибанинг етишмаслиги туфайли улар орасида ишчан, дўстона мулоқот ўрнатиш бир кадар мураккаб кечади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларни ҳамкорликдаги фаолиятга жалб этиш чоратadbирларини ишлаб чиқиши ва қўллаши, уларнинг индивидуал хусусиятларини чуқур таҳлил қилиши ва ҳар томонлама урганиши керак.

Ҳамкорликдаги педагогик вазиятни вужудга келтиришда ўқитувчи, биринчи навбатда, ўйин усулидан самарали фойдаланиши лозим. Бунинг учун ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам зарур шахсий сифат ва кўникмалар билан қуролланган бўлишлари керак. Шунда улар вазиятларга ижобий ечим топа оладилар.

### REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2008 й., 3-4-сон
2. Баркамол авлод орзуси. // Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Р.Аҳлиддинов, Ҳ.Саидов. – Т.: "Шарқ", 1998.
3. Игнатова В. А. Педагогические аспекты синергетики // Педагогика. - 2001.-№ 8.
4. Толипов У. К., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. -Т.: Фан, 2005.
5. Ходырева Е. А. Игровая среда как фактор развития творческой активности младших школьников в обучении: Дис. канд. пед. наук. - Киров, 1998.
6. Ўқувчиларда дўстона муносабатлар асосида ҳамкорлик кўникмаларини шакиллантириш жараёнининг мазмуни. «Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент-2015Сафарова Рохат Гайбуллаевна, Ю супова Феруза Ирискуловна, Холматова Зироат Анваровна, Дилева Н аргиза Гайбиллаевна, Косимова Дилдора Х,ошимовна, Рузиев Фарход Ж ураевич